

63.3

Б 79

Садриддин Салим БУХОРИЙ

ДАХМАИ БЕҲИШТИЁН



САДРИДДИН САЛИМ БУХОРИЙ

ДАХМАИ БЕҲИШТИЁН

"Бухоро" нашриёти - 2007 йил

BUXORO MUHAMMAD
TEKNOLOGIYA INC.

A R M

REESTR № 34

201

Тақризчи:

**Самад АЗИМОВ,
БухДУ доценти**

Ушбу китобни нашр этишда ҳомийлик қилган
"Бухорийлар авлоди" фирмаси раҳбари Улугбек ҳожи
Абдуллаевга Аллоҳдан ажру мукофот тилаймиз.

ҚАЙТА БУНЁД ЭТИЛГАН ЗИЁРАТГОҲ

Ўзбекистон - муқаддас Ватан. Ота-боболаримиз хоки ётган ер, ўзимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборақ заминнинг ҳар бир қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш - бугунги куннинг энг устунвор фазилатларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради.

И.А. КАРИМОВ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим

Барча оламнинг Раббиси Аллоҳ таолога ҳамду сано. Унинг расули Муҳаммадга салавоту саломлар бўлсин.

Бухоройи шарифнинг қиёфаси кундан-кунга ўзгармоқда. Юрт обод бўлаётир. Айниқса қадимий Бухоронинг Қарши дарвозаси ёнидаги чорраҳа шаҳримиз ҳуснига-ҳусн, кўркига - кўрк қўшяпти, десак асло адашмаган бўламиз.

Мазкур чорраҳа ёнида бунёд этилган Бухоро юридик ва маиший хизмат коллежи шимолида мақбара, зиёратгоҳ қад кўтарди. Ажабо? Бу ерларда ҳам мазористон бўлганмиди, авлиёлар кўмилганмиди? Мана шундай саволлар билан ёш авлод тез-тез мурожаат қилмоқда. Тўғри-да, ҳозирги ёш авлод мазкур ҳудудда Пуштаи Беҳиштиён. Мозори Дарвозаи Қавола, Пуштаи Туғробек номли мазористон, зиёратгоҳлар борлигидан беҳабар. Чунки Собиқ Иттифоқ замонида юзлаб масжиду мадраса, мақбара-ю мазорлар йўқотилди. Боболаримиз маънавий

мероси ҳисобланмиш китоблар гулханларга ташлаб ёқилди. Жумладан, Пуштаи Беҳиштиён, Мозори Дарвозаи Қавола, Пуштаи Туғробек, Хожа Нуробод мазористони, Шайх Рангрез зиёратгоҳи, Шайхул Олам мақбаралари атрофидаги мазористон, Тали Фарибон мазори, Имом Қозихон мақбаралари атрофидаги мазористон. Чашмаи Аюб атрофларидаги мазористон, Жўйбор гузаридаги Жўйбор зиёратгоҳи, Исмоил Сомоний мақбаралари атрофидаги мазористон, Шаръобод зиёратгоҳи, Эшони Имло мазористони ва бошқа зиёратгоҳлардан ному нишон қолмади. Тарих саҳифаларида бу зиёратгоҳлар номи бор, лекин уларнинг ўзи йўқ. Буюкларимизнинг суяклари хорзор этилди, оёқ ости қилинди. Во дариғ! Собиқ Иттифоқ мафкураси динсизлик, даҳрийликка асосланган эди. Бундай мафкура таназзулиятга маҳкумдир! Дарҳақиқат улуғ авлиёлар номини тарих саҳифасидан ўчирамиз деб хом хаёл қилгандилар. Буни кўрингки, мазорбузар, мақбарабузарлардан номнишон қолмади. Лекин авлиёлар номи халқимиз қалбида қолди. Уларнинг номи тарих саҳифаларида олтин ҳарфлар билан ёзилган. Чунки авлиёлар шу заминнинг асл фарзандлари бўлиб, улар Аллоҳ ризолигини топиш мақсадида эл учун, халқ учун беминнат хизмат қилган. Валийлардан минорлар, масжиду мадрасалар, сардоба-ю купрўклар, боғлар бизга мерос қолган. Улар бунёдкор эди. Шу боис халқ меҳрини қозонди. Валий (куплиги авлиё) - Аллоҳнинг дўсти (Фиёсу л лугот").

**Авлиёлар Ҳаққа хизмат қилгандур,
Авлиёлар халққа хизмат қилгандур.
Бутун бани баша файзёб алардан,
Алар Фарбу Шарққ, хизмат қилгандур.**

"Ўзбекистон - муқаддас Ватан. Ота-боболаримиз хоки ётган ер, ўзимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг ҳар бир қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш - бугунги куннинг энг устувор фазилатларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради" (И.А. Каримов). Юртбошимизнинг ушбу ҳикматли гапларига амал этган ҳолда вилоят ҳокими С.Қ. Ҳусенов ташаббуси билан Пуштаи Беҳиштиён, Мозори Дарвозаи Қавола, Пуштаи Туғробек, Шайх Рангрез, мозори Беҳиштиён мазористонларида дафн қилинганлар номини абадийлаштириш мақсадида Дахмаи Беҳиштиён зиёратгоҳи бунёд этилди.

Дахмаи Беҳиштиён зиёратгоҳи Бухоро юридик ва маиший хизмат коллежи шимолида қад ростлади. Бухоро вилоят бош архитектори М.Қ. Аҳмедов лойиҳаси асосида яратган ушбу обида қурилишида шаҳар ҳокими К.Ж. Камолов бош қош бўлиб турди. Бухоролик қўли гул усталар Олим Абдиев, Баҳриддин Йўлдошевлар ушбу зиёратгоҳ қурилишида сидқидилдан меҳнат қилдилар.

Тарихий манбаларда ёзилишича, бу ердаги мазористонда улуг авлиё, муҳаддис, шайхул олам унвонига сазовор бўлган зот Шайх Абу Исҳоқ Гулободий (ваф. 991 йил), Ҳазрат Абу Бакр Ҳомид (ваф. 937 й.), ҳазрат Абу Бакр Тархон (ваф. 945 й.), Ҳазрат Абу Зайд Дабусий (ваф. 1039 й.), Ҳазрат Нуриддин Собуний (ваф. 1184 й.) , Хожа Абдуллоҳ Барқий (ваф. 1160 й.), Хожа Ҳасан Андоқий (ваф. 1158 й.), Мавлоно Бурҳониддин Анжир Фағнавий, Аҳмад Дониш (1826-1897) ва бошқа зотлар дафн этилган.

Кадимда бу аллома, авлиёлар қабрлари устида мақбаралар бўлган ва мрамартошларда мазкур

зотларнинг қисқача таржимаи ҳоли ёзилган эди.

Шайх Абу Бакр Исҳоқ Гулободий "Китобут Таарруф би мазҳабит тасаввуф" ("Тасаввуф йўлини таништириш") асарининг муаллифи сифатида Фарбу Шарқда машҳур. Ушбу китоб араб тилида ёзилган. "Китобут Таарруф би мазҳабит тасаввуф" га араб, форс-тожик тилларида ёзилган кўплаб шарҳлар мавжуд. Ҳазрат Абдуллоҳ Ансорий, Алоуддин Кониявий, Имом Мустамлий ал Бухорий, Ҳазрат Хожа Порсо ал Бухорийлар "Китобут Таарруф"ни шарҳлаб, жилд-жилд китоб ёзганлар ва унинг ҳикматлари, сиру асрорларидан Фарбу Шарқ олимларини воқиф қилганлар.

Ҳазрат Мавлоно Жомий "Нафоҳатул унс" китобларида "Агар "Таарруф" бўлмаганда эди, тасаввуфни тушуниб бўлмасди", деб Гулободий китобининг тасаввуфшуносликдаги хизматини юқори баҳолаганлар.

Чор Бакр номи билан дунёда машҳур бўлган аллома, авлиёлардан ҳисобланмиш Абу Бакр Ҳомид ва Абу Бакр Тархон қабрлари ҳам Пуштан Беҳиштиёнда бўлган.

Ҳазрат Абузайд Убайдуллоҳ ибн Умар ибн Мусо ад Дабусий ислом ҳуқуқшунослиги бўйича "Илмул хилоф" деб аталган янги фаннинг асосчиси ҳисобланадилар. Бу зоти шариф аҳли сунна мазҳаблари орасидаги қарама-қаршиликларни тартибга солиб, илмий услубда ўрганганлар (А.Ш.Жўзжоний, "Ислом ҳуқуқшунослиги", Тошкент ислом услум университети нашриёти", 2002 йил, 213-бет).

Пуштаи Беҳиштиён ёнида Қузотус сабъа (Етти қози) мазористони бўлган. Тарихий манбаларда ёзилишича, бу қозиларнинг ҳар бири ўз замонасида

илм қуёши эди, уларнинг муборак қабрлари олдида этилган дуо эса ижобат бўларди. Ул табаррук зотлар қуйидагилардир: 1. Абузайд Абдуллоҳ ибн Исо ад Дабуийсий. 2. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Умар аш Шаъбий. 3. Имом Исмоил Мустамлий ал Бухорий. 4. Имом Задзан. 5. Имом Заҳириддин. 6. Шайх Аҳмад ибн Умар аш Шерозий. 7. Имом Бадиуддин.

Аҳли ҳадис мазоҳири ҳам худди шу зиёратгоҳнинг ёнида жойлашган эди. Ул муҳаддислар ҳам халқимизга беминнат хизмат қилган...

Янги авлод Ёғ заводи, 4-мактаб, шунингдек, Бухоро юридик ва маиший хизмат коллежи ўрнида қадимда мазористон - зиёратгоҳ бўлганлиги, ушбу табаррук зиёратгоҳ шўролар замонасида оёқости қилиниб бўзилганлигини ва истиқлол шарофатидан ушбу мазористонда дафн қилинган буюк зотлар номи шарафига "Дахмаи Беҳиштиён" қайта тикланганлигини билиши керак.

Айни шу кунларда "Дахмаи Беҳиштиён"ни минглаб сайёҳлар, шунингдек юртдошларимиз зиёрат этмоқда. Мазкур тўрраҳадан ўтаётган ҳар бир йўловчи улуғларимизни эслаб, уларнинг руҳини шод этиш мақсадида дуойи фотиҳа қилмоқда. Ушбу зиёратгоҳни кўзқорачигидек асрашда Бухоро юридик ва маиший хизмат коллежи жамоаси намуна бўлаётир. Коллеж сардори Нуриддин ҳожи Бозоров ташаббуси билан зиёратгоҳ тарихи, ушбу ерда дафн қилинган аллома, авлиёлар тарихи ҳақида толиби илмларга сабоқ берилмоқда. Толиби илмлар зиёратгоҳ тарихини ўрганиш билан бирга унинг атрофини гулзорга айлантиришда ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Ёшларни маънавий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда бу маънавий тадбирларнинг хизмати беқиёсдир.

"Дахмаи Беҳиштиён" китоби - ушбу зиёратгоҳда дафн қилинган маънавиятимиз дарғалари: авлиёу алломалару, зоҳиду обидлар ҳақида маълумот берувчи илк рисоласидир. Ул буюк зотлар номини тарихий манбалардан топишда бизга яқиндан ёрдам берган Абдулғафур ҳожи Раззоқ Бухорий, Жонмуҳаммад ҳожи Гулов, Ҳалим Тўраевга миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Китобда муаллифи кўрсатилмаган шеърлар камини камтарин қаламига мансубдир.

Аллоҳ зиёратгоҳларни обод этаётганларни икки дунёда саодатманд айлаб, зиёратларимизни қабул этсин. Омин.

**Валийлар бу ерда олмоқда ором,
Бу жой номи "Дахмаи Беҳиштиён".
Ўтганларнинг арвоҳини шод этган
Мустақиллик замонидир бу замон.**

Садриддин ҳожи БУХОРИЙ.

ҲАЗРАТ АБУ БАКР ҲОМИД (ваф. 937 йил)

Маълумки, Бухоро шаҳридан олти километр ғарбда Чор Бакр зиёратгоҳи жойлашган. Бу ердаги қишлоқнинг қадимий номи Сумитондир. Тўрт буюк авлиё: Абу Бакр Саъд (ваф.970 йил), Абу Бакр Ҳомид (ваф.937 йил), Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл (ваф.991 йил), Абу Бакр Тархон (ваф.945 йил) шарофатидан бу мавзе Чор Бакр, яъни тўртта Бакр исмли зот номи билан атала бошланган.

Ҳазрат Абу Бакр Саъд - улуғ шайх, олим, обид эдилар. Бу зоти шариф сомонийлар ҳукмронлигида яшаб, Бухоронинг шайхул исломи бўлганлар. Абу Бакр Саъд Муҳаммад с.а.в. авлодлари ҳисобланади. Ҳазратнинг қабрлари Чор Бакрдадир.

Ҳазрат Абу Бакр Фазл - буюк олим, муҳаддис, обид, тақводор эдилар. Бу кишининг шарофатларидан исломга ёт бўлган турли бузғунчи фирқалардан Бухоройи шариф тозаланган. Чунки бу зоти шариф буюк фақиҳ ҳам бўлган. Ҳазратнинг қабрлари Чор Бакрдадир.

Ҳазрат Абу Бакр Ҳомид - буюк шайх, валиюллоҳ, фақиҳ, ғоят тақводор, соҳибкаромат зот эдилар. "Тарихи Муллозода", "Тухфат аз зоирин" китобларида ёзилишича, Пуштаи Беҳиштиёнда Тали Хожа Имом Абу Бакр Ҳомид бўлиб, мазкур тепаликда Ҳазрат Абу Бакр Ҳомид дафн қилинган.

Манбаларда Абу Бакр Ҳомиднинг мелодий 937 йилда вафот қилганлари зикр этилгандир.

ҲАЗРАТ АБУ БАКР ТАРХОН **(ваф.945 йил)**

Ҳазрат Абу Бакр Тархон - зоҳид, олим, мужтаҳид эдилар. Ҳазратнинг исмлари "Тухфат аз зоирин"да қуйидагича келтирилган: "Ал имом ал олим ал омил ал оқил аз зоҳид ал мужоҳид Абу Бакр Абдуллоҳ бин Али бин Тархон".

Бу зоти шарифни "Жомеъ" ва "Муснад" номли китобларининг муаллифи сифатида бутун дунё илм аҳли танийди.

Ҳазрат Абу Бакр тархон мелодий 945 йил вафот қиладилар. Манбаларда ёзилишча, Ҳазратнинг жасадлари Тали Абу Бакр Тархонда дафр қилинган. Бу тепалик Тали Имом Абу Бакр Ҳомидга яқин, яъни Пуштаи Беҳиштиёндадир.

ҲАЗРАТ АБУ БАКР ГУЛОБОДИЙ **(ваф. 991 йил)**

Ҳазрат Абу Бакр Исҳоқ Муҳаммад ибн Иброҳим Гулободий - буюк аллома, шайхуш шуюх, муҳаддис, авлиё бўлиб, шайхул олам унвонига сазовор эдилар. Ҳазрат Бухоро шаҳрининг Гулобод гузарида таваллуд топган. Арабларда "Г" ҳарфи йўқлиги боис бу гузарда туғилган барча авлиёларни араб манбаларида "Калободий" деб атаганлар. Айни шу кунларда Бухоро шаҳрида Гулобод кўчаси бор. У Нуробод кўчасининг жанубида жойлашган.

Абу Бакр Гулободий жаҳонга машҳур "Китобут Таарруф би мазҳабит тасаввуф" (Тасаввуф йўлини таништириш) китобининг муаллифи ҳисобланадилар. "Китобут Таарруф" араб тилида ёзилган бўлиб, аср-асрлардан бери тасаввуфшунослар, суфийлар ва тариқат ихлосмандлари ушун муҳим қўлланма,

дастуруламал ҳисобланади.

Маълумки, ушбу нодир асар араб ва форс-тожик тилларига жуда кўп алломалар томонидан шарҳланган. Ҳазрат Абдуллоҳ Ансорий (ваф. 1192й.), Ҳазрат Алоуддин Кониявий (ваф. 1328 й.) араб тилида, Имом Мустамлий ал Бухорий (ваф.1043 й), Хожа Муҳаммад Порсо (1348-1420) форс-тожик тилига шарҳлаб, "Китобут Таарруф" ҳикматлари, сиру асрорларидан Фарбу Шарқ олимларини воқиф қилганлар.

Гулободийнинг "Баҳрул фавоид фи маъоний ал ахбор" номли асарлари ҳам бор. Ушбу китобда пайғамбаримиз с.а.в.нинг 222 ҳадислари шарҳлангандир.

Шайх Абу Бакр Гулободийнинг "Китобут Таарруф"лари муқаддимасида тасаввуфнинг моҳияти, шунингдек, сўфийлар ҳоли баён қилинган. Асосий қисмда эса сўфийлар ақоиди ислом ақоидига мос эканлиги, сўфийлар равишида куфр, бидъат, хурофот йўқлиги, инчунин, мақомот баёни, сўфийлар аҳволи, сўфийлар ижодига мансуб шеърлар, сўфийлар қўллайдиган истилоҳларнинг шарҳи, сўфийлар кароматининг ҳақлиги, уларнинг ҳикмати берилгандир.

Шайх Яҳё Сухравардий (ваф. 1191 йил) деганлар: "Агар Гулободийнинг "Китобут Таарруф" асари бўлмаганда, биз тасаввуф нима эканлигини билмас эдик". Худди шу маънода Ҳазрат Жомий "Нафоҳатул унс" китобларида ёзадилар: "Агар "Таарруф" набуди, тасаввуф доништа нашуди".

Абу Бакр Гулободийнинг тарих олдидаги хизматлари буюқдир. Чунки бу зоти шариф биринчилардан бўлиб сўфийларни, тасаввуфни ҳимоя этиб, ояту ҳадислар билан тариқат дегани шариятнинг

зидди эмас, балки шариат ботинини ўрганувчи фан эканлигини исботлаб берганлар. Маълумки, шариат зоҳирини фикҳ фани ўрганади. Унинг ботинини тадқиқ этиш фикҳ фанини вазифасига кирмайди. Шариат ботинини тадқиқ этувчи сўфийлардир. Чунки бу учун илми ҳол, яъни илмий ладуний - Аллоҳ таоло берган илм лозим. Бундай илми на масжиду мадраса, на олий ўқув юртларидан ўзлаштириб бўлади.

Атоқли тасаввуфшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов: "Ат Таарруф" асари тасаввуф ҳақида назарий маълумот берувчи биринчи йирик ва яхлит манбадир. Унинг аҳамияти ва қиммати ҳам шунда. X-XI асарлар орасида тасаввуфнинг қоида-қонунлари, тушунча ва истилоҳларини ўрганган ва бир нечта китоблар таълиф этилган эди. Чунончи, Абу Наср Саррожнинг (ваф.988 йил) "Китобал лумаъ", Абутолиб Маккийнинг (ваф.998 йил) "Қутул қулуб", Сулаймийнинг (ваф.1021 йил) "Рисолатал маломатия", Қушайрийнинг (ваф.1072 йил) "Рисолаи тасаввуф", Ал Ҳужвирийнинг (ваф. 1076 йил) "Кашфул маҳжуб", Абдуллоҳ Ансорийнинг "Манозил ас соирин" номли асарлари ёзилди. Аммо "Ат Таарруф" давр нуқтаи назаридан буларнинг ҳаммасидан олдин ёзилган ва номлари зикр этилган муаллифлар барчаси Гулободий асаридан фойдаланганлар", деб ёзадилар. (Шайх ал Калободий, "Тасаввуф сарчашмаси", Т.,Ф.Фулом - 2002 йил, 4-бет).

Ҳазрат Абу Бакр Гулободий Форсий Диноварийнинг шогирдлари эди. Фориси Диноварий атоқли сўфий Мансури Ҳаллождан (858-922) сабоқ олганлар. Мансури Ҳалложни "Аналҳақ" деганлари боис бир гуруҳ мутаассиб, ақидапарастлар шаҳид этадилар ва тариқатга қарши муросасиз жанг бошланади. Сўфийлар ва уларнинг муридлари тазйик

остида қолади. Хур фикрли зотлар қатағонга учрайди. Мана шундай пайтда тариқатни ҳимоя этмоқ, сўфийларга қалқон бўлмоқ, дарҳақиқат, қаҳрамонлик эди.

"Ат Таарруф"ни ёзишга туртки бўлган асосий сабабни муаллиф унинг сўз бошисида баён қилгандир. Нажмиддин Комиловнинг тўғри таъкидлашича, тасаввуф тарқала бошлаган дастлабки вақтларда сўфийларнинг обрў-эътибори баланд бўлган, улар тақво ва ҳол илмининг пешволари сифатида катта ҳурматга сазовор бўлган. Аммо замонлар ўтиб, тасаввуф аҳли орасида нопок ниятли одамлар кириб олиб, уни ичидан буза бошлаганлар. Натижада тариқатнинг маъноси кетиб номи қолди, ҳақиқат кетиб, расм-русум унинг ўрнини эгаллай бошлайди... Ўзларини сўфий дегувчиларнинг бир қанчаси хатти ҳаракатлари билан тариқатга тескари бордилар, тасаввуфда бўлмаган нарсаларни киритдилар, унга ёт нарсаларни нисбат бердилар, тасаввуфни мақтовчилар сўнгра ундан ўзларини олиб қочдилар. Сўфийлар орасида нифоқ, ҳасад авж олди (Шайх ал Калободий, "Тасаввуф сарчашмаси", 6-бет).

Шу боис муаллиф қўлига қаламни олиб ҳақиқий сўфийлар ким, уларнинг ақоиди нимадан иборат, уларнинг хизматлари не, мана шуларни "Ат Таарруф"да баён қилди. Муаллиф ўз китобида 69 та атоқли сўфий номини тилга олгандир. Гулободий ҳар бир фикру мулоҳазаларини оятлар ва пайғамбаримиз с.а.в. ҳадислари билан баён қилган.

"Тарихи Муллозода" китобида келтирилишича, Сайид Абулҳасан Побанди кушо ҳазратлари ҳам Абу Бакр Гулободийга сабоқ берганлар. Ҳазрат Абу Наср Аҳмад Турки Жандий эса Абу Бакр Гулободийнинг шогирдлари ҳисобланади.

Шайх Гулободийнинг туғилган йиллари ҳақида манбаларда хабар йўқ. Гулободийнинг вафот қилган саналари маълум, бу мелодий 991 йилдир. "Тухфат аз зоирин"да ёзилган: "Ва Дар жониби қиблаи марқади Абу Бакр Ҳомид марқади мунаввари ва машҳури муаттари қутбул авлиё, аш-шайхул олам, ал ориф, аз зоҳид Шайх Абу Бакр Муҳаммад бин ал олим ал ориф Абу Исҳоқ Иброҳим бин ал Гулободий қадасаллоҳу таоло сирра, ки шарҳи эшон аз баён мустағси аст".

Ушбу келтирилган парчадан Ҳазратнинг тўлиқ исмлари Шайх Абу Бакр Муҳаммад Абу Исҳоқ бин Иброҳим ал Гулободий эканликлари маълум бўляпти. Шунингдек, бу зоти шариф Сайфиддин Бохарзийдан (ваф.1261 йил) деярли уч юз йил олдин Шайхул Олам унвонини олган эканлар. Авлиёларнинг қутби, олим, ориф зот Шайх Гулободийнинг қабрлари Абу Бакр Ҳомид қабри ёнида экан. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, Ҳазрат Гулободий ҳақларида дастлабки маълумот "Уч авлиё" китобида (С.С.Бухорий, "Уч авлиё", "Бухоро" нашриёти - 2000 йил) эълон қилинган бўлса, Гулободийнинг "Ат Таарруф" асарлари арабчадан Отақул Мавлонқул ўғли ва Мавлуда Отақул қизи томонидан таржима этилиб, "Тасаввуф сарчашмаси" номи билан Тошкентда нашр қилинган.

Қуйида "Тасаввуф сарчашмалари"даги ҳикматлардан намуналар берилмоқда: Шайх Гулободий дедилар:

- Ғано ва Бақонинг маъноси ўз нафси лаззатларидан фоний бўлиш ва унинг лаззатларидан бошқалар боқий бўлиши ва Ғано - бу Аллоҳ амрига муҳолиф ишлар ва уларга қасд қилиб ҳаракат қилишдан фоний бўлиш, Бақо - бу Аллоҳ розилиги учун бўладиган ишларга қасддан ҳаракат қилишда боқий бўлиш.

Фано бу Аллоҳдан бошқани улуғлашдан фоний бўлиш, Бақо - бу Аллоҳни улуғлашда боқий бўлишдир.

Фанонинг яна бир тушунчаси, Фано - бу ўз Мавлосининг илоҳий сифатлари оғушида ўзининг инсоний қиёфасини йўқотиш демакдир. Яъни, "жаҳл", "зулм" каби инсоний сифатларнинг йўқотилиши. Бунинг исботи Аллоҳнинг: "... Уни инсон ўз зиммасига олди. Албатта у золим, жоҳил эди", деган сўзидир (Азҳоб сурасининг 76-ояти). Яъни, барча ёмон куфроний сифатлардан фоний бўлиши. Бунинг маъноси, унинг илми жаҳолатдан, адолати зулмдан, шукри куфрдан устун бўлишидир.

- Саҳл ибн Абдуллоҳ дейди: " Кимники Аллоҳ севган бўлса, у ўшанинг ҳаёти, кимки Аллоҳни севган бўлса, унинг ҳаёти йўқ". Маъноси: ўша шахсга ўз ҳаёти лаззат бермайди. Чунки ошиқ ўзига маҳбубдан келадиган барча яхши ва ёмон нарсалардан лаззатланади, яъни ошиқнинг ҳаёти йўқ ҳисобида, чунки у маҳбуб висолини истайди ва Ундан узилиб қолишдан қўрқади ва шунга ўз ҳаётини бағш этади.

- Сиррий ас Сақтийдан "яқинлик" тўғрисида сўралганда: "Яқинлик - бу ибодатдир",- деди. Ундан бошқалар: "Яқинлик - Аллоҳнинг "сажда қил ва яқинлаш" деган сўзига биноан, унга хокисорлик қилиш ва у учун хокисор бўлишидир",- дедилар.

- Зикрнинг ҳақиқати, Аллоҳ таолонинг: "Унутган чоғингда Роббингни эсла!" - яъни бошқа нарсаларни унутганингда Роббингни эсла,- деган сўзига биноан, бир нарсани зикр (эслаб) қилиб турган чоғингда ундан бошқасини унутишдир. Расулуллоҳ с.а.в.: "Муфарридлар (яъни мардлар) ўтиб кетишди",- дедилар. Шунда: "Ё Расулуллоҳ, улар ким?" - деб сўралди. Расулуллоҳ с.а.в.: "Улар Аллоҳни кўп зикр қилувчи эркаклар ва аёллардир",- дедилар. Муфарид

дегани у билан бирга ҳеч нарса йўқ дегани.

Улуғ шайхлар демишлар: "Зикр бу гафлатнинг йўқ бўлишидир, агар гафлатинг йўқолса сен жим турган чоғингда ҳам зокир (эсловчи) бўлаверасан".

- Ҳорис ал Маҳосибий: "Шукр - бу Аллоҳнинг шукр қилувчи бандаларга берган зиёдасидир. Яъни, агар банда шукр қилса, Аллоҳ унга ўз тавфиқини зиёда қилади ва унинг шукрини зиёда қилади" - деди.

- Абу Али ар Рудборий айтди: "Агар менинг ҳар бир аъзомнинг тили бўлганида эди, албатта Сен берган яхши нарсалар учун Сенга сано айтган ва менинг шукрим янада ортган бўлар эди".

- Шайхлар демишлар: "Иймоннинг содиқлиги Аллоҳни улуғлаш, унинг меваси эса Ундан ҳаё қилиш".

Боз айтмишлар: "Муъминнинг кўкраги ислом нури билан ёритилган, қалби ўз Роббисига интилувчи, қалби ўз Роббисига гувоҳлик берувчи, ақли соғлом, Роббидан паноҳ тиловчи, Унга яқин бўлиш учун ёнувчи, Унга узоқ бўлишдан дод солувчи бўлади".

Абулқосим ал Бағдодий демишлар: "Сени Аллоҳ томон жамловчи ва сени Аллоҳ билан жамловчи нарса иймондир".

Кимеки имон нарсаларини ўзида жамласа, у Аллоҳ таоло билан биргадир, кимеки шахвати ва нафси гапига кириб, Аллоҳдан ажралса, ундан ҳақиқат кетади. Аллоҳ ўзининг бандаларига аҳдлашувни ҳар бир фикр ва назарда янгилаб туришни буюрганини кўрмайсизми. У: "Эй иймон келтирган, аҳдномага вафо қилинглар", дейди.

Баъзи машойихлар демишлар: "Тавҳид сир бўлиб, у Аллоҳни ёмон сифатлардан поклаш, маърифат эса яхшилик бўлиб, у Аллоҳни ўз сифатлари билан сифатлаш, иймон эса қалбнинг ўша сирни ва маърифатни сақлашга қилган аҳди, ислом сендан талаб

қилинган нарсаларнинг барчасини ҳам адо этишга мушоҳада".

- Улар (яъни сўфийлар) касб, тижорат, деҳқончилик ва бошқа касбу корлари орқали, шубҳалардан огоҳ бўлган ҳолда шариат рухсат берган тарзда молу мулк тўплашнинг мумкинлигига ижмоъ (келишув) қилганлар. Чунки у ўзаро ёрдамга, эҳтиётларни қондиришга, қўшниларга меҳрибончилик қилишга, душманларга қарши курашишда ишлатилади. Молу мулк тўплаш Жўнайд Бағдодий наздида юқоридаги шартлар билан Аллоҳга яқинлик қилиш учун мумкиндир. Банда бу иш билан шуғулланганда ризқини кўпайтириш ёки фойдали нарсаларни кўпайтириш учун ишлаётгандек бўлмайди, балки ўзига рухсат этилган бир нафл ибодати билан шуғулланаяпман, деб ишлайди. Жўнайддан бошқалар наздида бу нарса кишига вожиб эмас, балки мубоҳ (рухсат этилган) амалдир.

- Сўфий кишилар ким - саҳобалардан кейин уларнинг илмлари тўғрисида сўзлаганлар, тўпланадиган жойларидан таъбир қилганлар, мақомотларини нашр қилганлар, хоҳ сўз бўлсин, хоҳ амал бўлсин, аҳволларини васф қилганлар - Али ибн ал Ҳусайн Зайнул Обидин, унинг ўғли Муҳаммад ибн Али ал Боқир, унинг ўғли Жаъфар ибн Муҳаммад ас Содиқ, Али ва ал Ҳусайн ва ал Ҳасандан кейин (Аллоҳ рози бўлсин улардан), Увайс ал Қораний, ал Ҳасан Аби ал Ҳасан ал Баҳрий, Абу Хозим Салма ибн Динор ал Маданий, Молик ибн Дийнор, Абул Воҳид ибн Зайд, Утба ал Фулом, Иброҳим ибн Адҳам, Ал Фузайл ибн Иёз, унинг ўғли Али ибн Фузайл, унинг ўғли Сулаймон, Аҳмад Аби ал Жавладий ад Димишқий, Абул Файз Зуннун Иброҳим ал Мисрий, унинг укаси Зул Кафл, Ас Сиррий ибн ал Муфлис ас Сақтий, Бишр ибн ал

РЕЕСТР № 57

Хорис ал Жофий, Маъруф ал Кархий, Абу Хузайфа ал Маъруший, Муҳаммад ибн ал Муборак ас Саврий, Юсуф ибн Асбот; Хуросон аҳлидан Ал Жабал Абу Язид Тойфур ибн Ийса ал Бастомий, Абу Хафс ал Ҳаддод ан Найсабурий, Аҳмад ибн Ходровия ал Балхий, Саҳл ибн Абдуллоҳ ат Тастарий, Юсуф ибн ал Ҳасан ар Розий, Абу Бакр ибн Тоҳир ал Абҳарий, Али ибн Саҳл ибн ал Азҳар, Али ибн Муҳаммад ал Боризий, Абу Бакр ал Касаи ад Дийнурий, Абу Муҳаммад ал Ҳусайн ибн Муҳаммад ар Роҳилий, Ал Аббос ибн ал Фазл ибн Қутайба, Али ибн Мансур ад Дийнурий, Каҳмаш ал Ҳамадоний, Ал Ҳасан ибн Али ибн Яздониёр.

Буларнинг ҳаммалари сўфийлардир... (Шайх ал Калободий, "Тасаввуф сарчашмаси").

ҲАЗРАТ АБУЗАЙД ДАБУСИЙ АЛ БУХОРИЙ (ваф.1039 йил)

Ҳазрат Абузайд Дабусий атоқли фақих, аллома, валиюллоҳ бўлиб, Бухоро вилояти (ҳозирги Навоий вилоятидаги) Дабусия шаҳрида туғилган.

Ҳазрат Абузайд Убайдуллоҳ ибн Умар ибн Мусо ад Дабусий ислом ҳуқуқшунослиги бўйича "Илмул хилоф" деб аталган янги фаннинг асосчиси ҳисоблангандилар. Бу зоти шариф аҳли сунна мазҳаблари орасидаги ихтилоф (қарама-қаршилиқ)ларни тартибга солиб, илмий услубда урганган (А.Ш.Жўзжоний, "Ислом ҳуқуқшунослиги", 213-бет).

Ҳазрат Абузайд ҳақларида "Тарихи Муллозода", "Гуҳфат аз зоирин", "Ислом ҳуқуқшунослиги" ва

бошқа манбаларда маълумотлар берилган.

Ҳазрат Абузайднинг "Китобул асрор фил усул ва фуруъ", "Ал Амаду ул ақсо", "Ал Анвор", "Таъсисун назар", "Ат Таълиқа", "Тақвимул адилла" каби китоблари машҳур.

Ҳазрат Абузайднинг "Тақвимул адилла" китобларини буюк фақиҳ Фахрулислом Баздавий шарҳлаган.

Ҳазрат Абузайд 1039 йил вафот қиладилар. Ул зоти шариф машҳур қози бўлганлари боис "Қузотус сабъа" ("Етти қози") мозорида дафн қилинган.

ҲАЗРАТ МУСТАМЛИЙ АЛ БУХОРИЙ **(ваф.1043 йил)**

Ҳазрат Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад ал Мустамлий ўз замонасининг буюк муҳаддиси, шайхи, фақиҳи, мутакаллимиди, адаби эдилар.

Ал Мустамлий Қуръони Каримни форс-тожик тилига шарҳлаган. Бу зоти шариф "Кашфул мажзуб" китобининг муаллифи ҳисобланади. Ал Мустамлий Абу Бакр Гулободийнинг "Китобут Таарруф би мазҳабит тасаввуф" номли нодир асарларини шарҳлаб асар ёзган. Ушбу бебаҳо қўлёзма Берлин кутубхонасида сақланмоқда.

Ҳазрат Мустамлий ҳақларида Ас Самъонийнинг "Ал Ансоб", Абдулазиз ан Нахшабийнинг "Муъжал аш шуюх" (Шайхлар қомуси), Носириддин Тўранинг "Тухфат аз зоирин" ва бошқа манбаларда маълумотлар берилган.

Ҳазрат Мустамлийдан жуда кўп улуғ зотлар таълим олган, жумладан, Абдулазиз ибн Муҳаммад ан

Нахшабий, Абу бакр Муҳаммад ибн Али ал Жаъфариёлар Ҳазрат Мустамлийнинг шогирдларидир (Ас Самъоний, "Насабнома" "Бухоро" нашриёти - 2003 йил, 107-бет).

Ал Мустамлий 1043 йил вафот қиладилар. Ул зот ўз замонасининг адолатли қозиси эди, шу боис "Қуззотус сабъа" мазористонида дафн қилинган.

ҲАЗРАТ АБУ ЖАЪФАР АШ ШАЪБИЙ

Қози, аллома Абу Жаъфар аш Шаъбий буюк тарбиячи бўлиб, Шамсулаимма (имомлар қуёши) Ҳалвоий (ваф. 1058 йил) ва Абузайд Дабусийларнинг устодлари ҳисобланади. Бу зоти шарифда Ҳазрати пайғамбаримиз с.а.в.нинг бир неча тола мўйи мубораклари бўлган. Аш Шаъбий ҳақларида "Тухфатаз зоирин" китобида маълумот бор. Бу зоти шариф қабрлари "Қуззотус сабъа" мазоридадир.

ҲАЗРАТ ИМОМ ЗАДЗАН

Ҳазрат Имом Задзан бир неча йил Бухорои шарифда адолат билан қозилик қилган. Бу киши ғоят тақводор олим эди. Ҳазрат тўғрисида "Тухфат аз зоирин"да маълумотлар берилгандир.

Ҳазрат Имом Задзан қабрлари "Қуззотус сабъа" мазоридадир.

ҲАЗРАТ ЗАҲИРИДДИН

Ҳазрат Заҳириддин ҳам бир неча йил Бухоройи шарифда адолат билан қозилик қилган. "Тухфат аз зоирин"да ёзилишича, Ҳазрат Заҳириддин илмига амал этувчи олим эди. Жасадлари "Қуззотус сабъа" мазоридадир.

ҲАЗРАТ АҲМАД ИБН УМАР АШ ШЕРОЗИЙ

Ҳазрат Аҳмад ибн Умар аш Шерозий ҳам Бухоройи шарифда бир неча йил адолат билан қозилик қилган. "Тухфат аз зоирин"да ёзилишича, Шайх Аҳмад ибн Умар аш Шерозий илму одобда барчага намуна эдилар. Ҳазратнинг қабрлари "Қуззотус сабъа" мазористондадир.

ҲАЗРАТ ИМОМ БАДИУДДИН

Ҳазрат Имом Бадиуддин ҳақларида "Тухфат аз зоирин"да ёзилган. Бу киши ҳам бир неча йил Бухоройи шарифда қозилик қилган ва халқнинг ҳурматини қозонган, юртнинг ободонгарчилигига сайъ-ҳаракат қилган.

Ҳазрат Имом Бадиуддиннинг қабрлари "Қуззотус сабъа"дадир.

Абузайд Дабусийдан бошлаб номлари зикр этилган бу етти қози ҳаёти, фаолияти ибрат, сабоқ бўлгани боис тарихий манбаларда номлари, уларнинг қабр жойи зикр қилингандир.

ҲАЗРАТ ҲАСАН АНДОҚИЙ (1069-1158)

Ҳазрат Хожа Ҳасан Андоқий Юсуф Ҳамадонийнинг (1048-1141) иккинчи халифалари ҳисобланадилар. Бу зоти шариф ҳақларида "Тарихит Муллозода", "Тухфат аз зоирин", "Ал Ансоб" ва бошқа китобларда маълумотлар бор.

Ас Самъонийнинг ёзишича, Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Ҳусайн ал Андоқий - имом, фозил, зоҳид, тақводор, камтарин, ғоят гўзал сийратлиги билан шуҳрат қозонган Абул Музаффар Абдулкарим ибн Абу Ҳанифа ал Андоқийнинг (1010-1089) неваралари ҳисобланадилар.

Ҳасан Андоқий тариқат сабоғини Юсуф Ҳамадонийдан ўрганган. Ҳасан Андоқий Юсуф Ҳамадоний билан бирга Хоразм, Бағдодда бўлган. Ас Самъоний ёзади: "Мен биринчи бор Ҳазрат Ҳасан Андоқий билан Марвдаги Шайх хонақосида учрашдим. Сўнг Бухорода учрашдим ва бу зотдан сабоқ олдим. Ҳазрат Андоқий менга Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний ривоят қилган ҳадисларни ўргатдилар. Андоқий мени бениҳоя ҳурмат-иззат этардилар.

Ҳазрат Андоқийнинг вафотлари Рамазон ойининг Лайлатул Қадр кечасида воқеъ бўлди" (Ас Самъоний, "Насабнома", 16-бет).

Андоқий ўз замонасининг етук алломаси, тариқат олами, валиюллоҳ бўлиб, жуда кўп муридлари бор эди. Кўп ибодат этар, бисёр риёзат чекар эдилар.

"Тухфат аз зоирин" китобида ёзилишча, Ҳасан Андоқийнинг қабрлари Абу Исҳоқ Гулободий қабрлари ёнида бўлган.

ҲАЗРАТ АБДУЛЛОҲ БАРҚИЙ **(ваф. 1160 йил)**

Ҳазрат Хожа Абдуллоҳ Барқий (Барақий) Ҳазрат Юсуф ҳамадонийнинг биринчи халифалари эдилар. Юсуф Ҳамадоний вафотларидан сўнг Ҳазрат Барқий муридлар тарбияси билан шуғулландилар. Ҳасан Андоқий, Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Гиждувонийлар бу зотдан таълим олган ҳисобланади.

Ҳазрат Абдуллоҳ Барқий 1160 йил вафот қиладилар. Қабрлари Абу Бакр Гулободий мазорлари ёнидадир.

ҲАЗРАТ НУРИДДИН СОБУНИЙ **(ваф. 1184 йил)**

Буюк фақиҳ, мотуридия мактабининг атоқли вакили, улут тарбияси, валиюллоҳ Ҳазрат Нуриддин Собунийнинг исмлари Аҳмад ибн Маҳмад ибн Абу Бакрдир. Бу зоти шариф "Ал имомул ажал" (буюк имом), "Нуриддин" (дин зиёси, дин нури), "носирул Ҳақ" (Ҳақ ёрдамчиси), шунингдек, совун тайёрлаб сотганлари боис "Собуний" лақаблари билан машҳур.

Ҳазрат Собуний ҳақларида Ибн Қутлубғонинг "Тоҷут тажорим", Носириддин Тўранинг "Тухфат аз зоирин", А.Ш. Жўзжонийнинг "Ислом ҳуқуқшунослиги" ва бошқа манбаларда маълумотлар берилгандир.

Собунийнинг устозлари хоразмлик буюк мутафаккир Шамсуллаимма (Имомлар қуёши) Кардарий (ваф.1167 йил) ҳисобланадилар. Ҳазрат Собуний ўз замонасининг алломаси Фахриддин Розий (ваф. 1210 йил) билан баҳсу мунозара этган.

Нуриддин Собунийнинг қуйидаги китоблари машҳури: "Ал Мунтақо мин исматил анбиё", "Ал Кифоя фил Ҳидоя", "Китобул бидоя фи усулиддин" (А.Ш. Жўзжоний, "Ислом ҳуқуқшунослиги", 216-бет).

Ҳазрат Нуриддин Собуний 1184 йил вафот қилганлар. Қабрлари "Қуззотус сабъа" мазори ёнидадир.

ҲАЗРАТ ШАЙХ ГУЛРЕЗ (XIII аср)

Ҳазрат Шайх Гулрез шариат ва тариқат сабоғини Ҳазрат Шайхул Оламдан (1190-1261) ўрганган. Кубравия тариқати ривожига хизмат қилган. Соҳибкаромат авлиё Шайх Гулрез кунлардан бир кун учта рангсиз оқ калавани оқар сувга ботириб, уч хил рангдаги ишга айлантирганлар. Бу кароматларини кўриб пирлари Ҳазрат Шайхул Олам шайхи Рангрез, Шайхи Гулрез номларини берган.

Шайх Рангрез номли хонақоҳ, мақбара, мазористор бўлган. Лекин шўролар замонасида хонақоҳ ҳам, мақбара, мазорлар ҳам йўқотилди.

Бу зиёратгоҳ ҳозирги Имом Қозихон гузарининг бошида бўлган. Яъни "Дахмаи Беҳиштиён"нинг рўбарасидаги кўчада.

ҲАЗРАТ МУҲАММАД ИБН АБУ БАКР БУХОРИЙ

Ҳазрат Муҳаммад ибн Абу Бакр Бухорий - олим, тақводор зот, муфтий, ўз даврининг шайхул исломи эдилар. Имомзода унвони билан машҳур

булган Ҳазрат Муҳаммад ибн Абу Бакр "Ширъатул ислом" китобининг муаллифи ҳисобланадилар.

Ҳазрат Муҳаммад ибн Абу Бакрнинг қабрлари Ҳазрат Хожа Ҳасан Андоқий қабрлари ёнида эди. Ҳазрат Муҳаммад ҳақларида "Тухфат аз зоирин"да маълумот берилгандир.

ҲАЗРАТ ИМОМ САДИДИДДИН

Ҳазрат Имом Садидиддин илмни ўз оталари Имомзода Ҳазрат Муҳаммад ибн Абу Бакр Бухорийдан ўрганган. Имом Садидиддин "Уқудул ақоид фи илмил калом" номли китобнинг муаллифи ҳисобланади. "Тухфат аз зоирин" китобида ёзилишича, ҳазрат Имом Садидиддиннинг қабрлари ўз оталари ёнидадир.

ҲАЗРАТ ИМОМ РУКНИДДИН ШАҲИД (XIII аср)

Ҳазрат Имом Рукниддин илмни ўз оталари Ҳазрат Имом Садидиддиндан ўрганган. Имом рукниддин Ҳазрат Шайхул Оламнинг ўғиллари Шайх Хованд Мутаҳариддин Бохарзийнинг устодлари ҳисобланади.

"Тухфат аз зоирин"да бу зоти шариф ҳақларида маълумот бор.

ҲАЗРАТ МАВЛОНО НОСИРИДДИН

Мавлоно Носириддин Ҳазрат Имом Рукниддиннинг ўғиллари бўлиб, ўз замонасининг олими, алломаси эдилар. Бу киши ва уларнинг авлодлари Пуштаи Беҳиштиёнда кўмилгандир.

ҲАЗРАТ МАВЛОНО АБДУРАҲМОН БУХОРИЙ

"Тухфат аз зоирин" китобида ёзилишича, Ҳазрат Мавлоно Абдураҳмон Бухорий шариату тарифат илмининг олими бўлиб, устоз ал уламо, яъни, олимлар устози эдилар.

Қабрлари Ҳазрат Абу Бакр Гулободийнинг қабрлари қилба томонида.

ҲАЗРАТ МУҲАММАД ҚОСИМ АЛ БУХОРИЙ (ваф. 1660 йил)

Ҳазрат Муҳаммад Қосим ал Бухорий Дарвозаи Обий с.боқни Мавлоно Камолиддин Фағондезий ва Шоҳ Аҳси дан олганлар. Маълумки, Ҳазрат Поянда Муҳаммад Шоҳ Аҳси Файзободий ал Бухорий (ваф.1601 йил) нақшбандия тариқатининг буюк пири муршиди бўлиб, с.боқни Маҳдуми Аъзам Даҳбедийдан (1461-1542) олганлар.

Ҳазрат Муҳаммад Қосим Ҳазрат Шоҳ Аҳси вафотларидан сўнг солиқлар тарбияси билан

шуғулланган. Бу зоти шариф шариату тариқат илмида ўз замонасининг устоди эди.

Ҳазрат Муҳаммад Қосим 1660 йил вафот қиладилар, қабрлари Абу Бакр Гулободий қабрларининг шимолий-ғарбий томонидан бўлган.

"Тухфат аз зоирин" ва бошқа манбаларда бу зоти шариф ҳақларида маълумотлар бор.

ҲАЗРАТ ХОЖА МУҚИМ (XVII аср)

Хожа Муқим ҳазратлари ҳақида "Тухфат аз зоирин" китобида маълумот берилгандир. Бу зоти шариф Ҳазрат Шоҳ Аҳси ал Бухорийнинг муридлари бўлиб, соҳибкаромат авлиё, олим, тақводор эдилар.

Қабрлари Имом Абу Бакр Ҳомид тепалиги пастидадир.

МАВЛОНО ҲОФИЗИДДИН КАБИР БУХОРИЙ

Ҳазрат Ҳофизиддин Кабир Бухорий ўз замонасининг алломаси эдилар. Бу киши ҳақида "Тухфат аз зоирин"да хабар берилган. Ҳазратнинг тўлиқ исмлари қуйидагичадир: Мавлоно Муҳаммад ибн Наср ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ал Қаласоний Ҳофизиддин Кабир Бухорий.

Муборак қабрлари Абу Бакр Тархон қабрларининг ёнида эди.

ҲАЗРАТ АБУ АБДУЛЛОҲ АЛ БУХОРИЙ

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Аҳмад ал Бухорий Ҳазрат Ҳофизиддин Кабирнинг ўғиллари бўлиб, имом, зоҳид, аллома, муфасссир, воиз эдилар. Қабрлари оталари қабри ёнида бўлган.

ҲАЗРАТ ТОЖИДДИН АЛ МАСДАР

Ҳазрат Тожиддин ал Масдар Мавлоно Ҳофизиддин Кабирнинг куёвлари эдилар. Ўз замонасининг алломаси бўлган бу зотнинг қабрлари қайноталарининг қабри ёнидадир. "Тухфат аз зоирин"да Тожиддин ҳазратлари ҳақида маълумот бор.

ҲАЗРАТ ҲИСОМИДДИН

Мавлоно Ҳисомиддиннинг устодлари ўз оталари Мавлоно Тожиддин ал Масдар бўладилар. Қабрлари оталари қабри ёнидадир.

МАВЛОНО БУРҲОНИДДИН АНЖИР ФАҒНАВИЙ

Ҳазрат Бурҳониддин Вобкентнинг Анжир Фағни қишлоғида туғилганлар. Бу зоти шариф ўз даврининг алломаси, авлиёси эдилар. Қабрлари Мавлоно Ҳисомиддин қабрининг қибла томонидадир. Мавлоно Бурҳониддин ҳақларида "Тухфат аз зоирин"да маълумот берилган.

МАВЛОНО БУРҲОНИДДИН АРШАДИЙ

"Тухфат аз зоирин"да ёзилишича, Мавлоно Бурҳониддин ўз замонасининг буюк шайхи бўлган. Қабрлари Мавлоно Бурҳониддин Анжир Фағнавий қабрлари ёнидадир.

МАВЛОНО ХОЖА ЮСУФ

Ҳазрат Хожа Юсуф Мавлоно Ҳофизиддин Кабир ал Бухорийнинг неваралари бўлиб, ўз замонасининг алломаси эдилар. Қабрлари боболарининг ёнидадир.

ШАЙХ САЪДИДДИН ФИЖДУВОНИЙ

Ҳазрат Саъдиддин Фиждувоний хожагон тариқатининг пири муршиди бўлиб, Ҳазрат Хожа Сулаймон Карминийнинг иккинчи халифа (шогирд)ларидирлар. Маълумки, Хожа Сулаймон Ҳазрат Абдулхолиқ Фиждувонийнинг шогирдлари бўладилар.

"Тухфат аз зоирин", шунингдек, Али Сафийнинг "Рашаҳоту айнул ҳаёт" китобларида ёзилишича, Шайх Саъдиддин Фиждувоний Хожа Муҳаммад Шох вафотларидан сўнг муридлар тарбияси билан шуғулландилар.

Шайх Саъдиддин Фиждувонийнинг муборак қабрлари Имом Ҳофизиддин Кабир Бухорий қабрлари ёнидадир.

ҚОЗИ ХОЖА НАЖМИДДИН ФИЖДУВОНИЙ

Буюк имом Хожа Нажмиддин Фиждувоний ҳақларида "Тухфат аз зоирин" китобида маълумот берилгандир.

Бу зоти шариф ўз замонасининг олими, зоҳиди, обиди эдилар. Қози Хожа Нажмиддин Фиждувонийнинг қабрлари Ҳазрат Абу Бакр Тархон тепалиги ёнида бўлган.

ҲАЗРАТ ХАЛИФА НИЁЗҚУЛИ (ваф. 1824 йил)

Ҳазрат Халифа Ниёзқули ҳақларида Носириддин Туранинг "Тухфат аз зоирин" китобларида маълумот берилган. Ҳазрат Ниёзқули Хоразмдан Бухорога Амир Шоҳмурод ҳукмронлик йилларида (1785-1800) келганлар ва шариат, тариқат илмларини пухта эгаллаб, улуғ даражаларга етган. Ҳазрат Ниёзқули тариқат илмини Ҳазрат Муйинхон Даҳбедийдан ўрганган.

Амир Ҳайдарнинг ҳукмронлик даврида (1800-1826) Ҳазрат Ниёзқули хонақоҳ қуриб, куплаб муридларга сабоқ берадилар.

Нақшбандия тариқатининг пири муршиди Ҳазрат Халифа Ниёзқули 1807 йил Чор Минор мадрасасини бин қилганлар. Собиқ Иттифоқ замонида Чор Минор мадрасасининг ҳужраларини йиқитдилар. Айни шу кунларда ушбу мадрасанинг фақат дарвозахонаси қолган. Ушбу дарвозахона тўртта минора остидадир. Шу боис бу обидани Чор Минор (тўртта Минора) деб атаганлар. Чор Минор обидаси ёнида масжид ҳам бўлган. Лекин бу ибодатхонани ҳам

собик иттифоқ замонасида ер билан яксон қилдилар. Чор Минор обидаси мустақиллик шарофатидан қайта таъмирланди. Бу обида Бухоро шахридаги Чор Минор кўчасида жойлашган. Ҳар куни минглаб сайёҳлар келиб Чор Минорни зиёрат қиладилар.

Ҳазрат Эшони Халиқа Ниёзқули "Навоисул калим мин мавоҳибил илм" ("Илм неъматларидан тузилган нафис сўзлар") китобининг муаллифи ҳисобланадилар. ("Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи", Т., "Мовароуннаҳр" - 1993 йил, 85-бет).

"Тухфат аз зоирин"да ёзилишича, Ҳазрат Халифа Ниёзқулининг қабрлари Пуштаи Беҳиштиёнда бўлган.

МАВЛОНО СИРОЖИДДИН АСЛИЙ

"Тухфат аз зоирин"да ёзилишича, Мозори аҳли ҳадисга туташ бўлган Қуззотус саъба мазорининг қибла томонида Мавлоно Сирожиддиннинг қабрлари жойлашган эди. Бу зоти шариф ўз замонасининг олими эди.

ХАЛИФА МУҲАММАД ҲУСАЙН

"Тухфат аз зоирин"да ёзилишича, бу зоти шариф нақшбандия тариқати пири муршиди ҳисобланади. Ҳазрат Муҳаммад Ҳусайннинг пири муршидлари Ҳазрат Мусохожа Даҳбедий эдилар. Халифа Муҳаммад Ҳусайн Самарқандда мадраса ва хонақоҳ бино қилган. Амир Ҳайдар (ваф. 1826 йил) замонида Самарқанддан Бухорога келиб, жуда кўп

кишиларни Ҳақ йўлига бошлай олган, нақшбандия тариқатини ёйганлар. Қабрлари Мозори Беҳиштиёндадир.

МАВЛОНО ФАХРИДДИН АШ ШОРИСТОНИЙ

Мавлоно Фахриддин Муҳаммад ибн Муҳаммад аш Шористонийнинг ҳам қабрлари Мозори Беҳиштиёнда бўлган. Бу киши ҳақларида "Туҳфат аз зоирин"да маълумот бор.

МАВЛОНО РУКНИДДИН АШ ШОРИСТОНИЙ

Мавлоно Рукниддин Абдураҳим ибн Аҳмад Шористоний қабрлари ҳам Мозори Беҳиштиёндадир.

МАВЛОНО БОБОЙИ МОДАР АШ ШОРИСТОНИЙ

Бу зоти шариф Мавлоно Рукниддиннинг ўғиллари бўлиб, "Мавлозода" китобининг муаллифи ҳисобланадилар. Қабрлари Мозори Беҳиштиёндадир.

МАВЛОНО ЖАМОЛИДДИН АШ ШОРИСТОНИЙ

Мавлоно Жамолиддин ибн Абдураҳим аш Шористонийнинг қабрлари ҳам Мозори Беҳиштиёнда бўлган.

МАВЛОНО ЖАМОЛИДДИН ХАЛАФ БУХОРИЙ

Мавлоно Жамолiddин Халаф Бухорий ва Мавлоно Сирожиддин Муҳаммад ал Казвинийларнинг ҳам қабрлари Мозори Беҳиштиёнда бўлган.

ХОЖА МУҲАММАД ЮСУФ НАҚШБАНДИЙ

Хожа Муҳаммад Юсуф тариқат пири Мусохожа Даҳбедийнинг шогирдлари бўлиб, Ҳазрат Мусохожа кўрсатмаларига мувофиқ Бухоройи шарифга келиб, нақшбандия тариқати илму одобидан соликларга сабоқ берганлар. Муборак қабрлари Пуштаи Беҳиштиёндадир.

ҲАЗРАТ АҲМАД ДОНИШ (1826-1897)

Атоқли аллома, буюк файласуф, педагог-тарбиячи, муаррих, шоир, астрономия олими, математик, меъмор, хаттот, лаввоҳ, рассом, бир сўз билан айтганда қомусий билим эгаси Аҳмад ибн Мир Носир ибн Юсуф ал Ҳанафий ас Сиддиқий ал Бухорий ҳазратлари Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ авлодлари бўлган. Аҳмад Дониш, шунингдек, Аҳмад Калла номи билан машҳур бўлган бу зоти шариф 1826 йил Бухорода туғилганлар. Аҳмад Дониш Бухоро шаҳридаги Жаъфархўжа кўчасида яшаган.

Аҳмад Дониш Бухоро мадрасаларида ўқиб, диний ва дунёвий илмларни ўрганган. Аҳмад Дониш Насруллохон, Музаффархонлар ҳукмронлиги даврида саройда хизмат қилган. Ул зоти шариф амир элчилари қаторида уч бор Петербургда бўлган. 1873 йил Петербург сафаридан келганидан сўнг, давлатни бошқариш тартиби, амирлик ҳукуматида ислоҳот тўғрисида рисола ёзиб, амирга тортиқ қилади. Бироқ амир алломанинг фикрларини рад қилади. Шундан сўнг Аҳмад Дониш саройдаги хизматини тарк қилиб, ижодий ишга киришади. Аҳмад Дониш қози, муфтилик лавозимларида ҳам ишлаган.

Ўзбекистон Республикаси Ф.А. Беруний номли Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида Аҳмад Донишнинг 16 та рисоласи ва яна бир қанча шеърлари киритилган тазкиралар, шунингдек, Имом Ғаззолий, Жомий, Бедил асарларидан кўчирган қўлёзма нусхалар сақланади, уларнинг кўпи асл нусха бўлиб, муаллифнинг ўзи томонидан битилгандир ("Маънавият юлдузлари", Тошкент - 1999 йил, 323-бет).

Аҳмад Дониш ўзи кўчирган китоблари охирида "Аҳмад ул котиб ал мусаввир ал муҳандис ал мунажжим ал Ҳанафий ал Бухорий" ёхуд китобларда муҳрлар бўлиб, ул муҳрда: "Ал Мутаваккил ал иллоҳ қози Мир Аҳмад Ўроқ бинни Мулло Мир Носир Сиддиқий", "Қози мулло Мир Аҳмад Ўроқ" ёзилгандир.

Садриддин Айний дейди: "Мен Аҳмад Маҳдум кўчириб, расм ва лавҳлар билан беаган бир "Юсуф ва Зулайхо" китобини уч юз пуд буғдойга сотилганини кўрганман".

Аҳмад Донишнинг "Наводирул вақоеъ", "Дафтари тақвим", "Рисолаи ислоҳи миёни шиа ва

сунний", "Мунозир ал Кавокиб", "Рисола дар илми курра", "Истиғрожи бул ва арзи балат", "Рисолаи мухтасаре аз тарихи салтанати хонадони манғития" ва бошқа асарлари машхур.

"Аҳмад Дониш шоирликда Саъдий Шерозийга, мусаввирликда Беҳзоду Монийга, фалакиёт илмида Улуғбек Кўрагонийга, табобатда Ибн Синога ўхшар эди" (Садри Зиё).

Аҳмад Дониш тақвода, саховатда ўз даврининг яғонаси эдилар. У киши ханафия мазҳаби, мотуридия ақоиди тарғиботчиси, нақшбандия тариқати муҳиби бўлган.

Аҳмад Дониш китобат санъатини мукаммал эгаллаб, шундан келган даромаддан ризқ-рўзиларини топган.

"Наводирул вақоеъ" китоби Аҳмад Донишнинг шох асарлари ҳисобланади.

Аҳмад Донишнинг маърифатпарварлик ғоялари таъсирида Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат ва бошқа адиблар ижод қилган.

Аҳмад Дониш бедилшунос ҳам бўлганлар. Маълумки, Бухоройи шарифда қадимда ҳофизхонлик, яссавийхонлик, навоийхонлик, бедилхонлик, маснавийхонлик, фузулийхонлик анъаналари бўлган. Давраларда, гурунгларда донишманд зотлар ушбу асарларни ўқиб, маъноларини шарҳлаб берганлар.

Аҳмад Дониш Мирзо Бедил ғазалларининг айримларини шарҳлаб, ўзлари китобат қилган Мирзо Бедил "Девон"лари ҳошиясига ёзган эканлар. Филология фанлари доктори, Самарқанд Давлат университети профессори Шавкат Шукуров ушбу ҳошиядаги шарҳларни ўзбек тилига таржима қилиб эълон этди: "Аҳмад Дониш Мирзо Бедилнинг қуйидаги байтини шарҳлаган:

*Ба пасти то намонад шавқ чаҳде кун,
ки хун гарди,
Чу об оинадори ранг гардаг,
пар бурун орад.*

Мазмуни: Шавқу иштиёқ тўлалигича пастликка алоқадор эмас. Сув ўзга тус касб этганда ўзидан бухор)буғ) чиқариб, юқорига ўрлай бошлайди. Пастликдан мақсад ноқисликдир. Иштиёқ эса камолотга эришиш талабидир. Қондан мақсад камолотга етиш, истеъдод соҳиби бўлишдир. Масалан, озуқа моддаси ердан униб ўсган пайтда нуқсли, иллатли бўлади. У ҳам камолот иштиёқи кетидан эргашиб, охир-оқибат, егулик даражасига етади. Физо (егулик) ошқозонда ҳазм бўлгач, қонга айланади. Бу билан унда, яъни овқатда баландликка кўтарилиши имконияти пайдо бўлади. Шунга ўхшаш сен (инсон фарзанди) ҳам яратилишида туфроқ остидан ўсиб чиқаётган ўсимликка ўхшайсан. Бас, шундай экан, фақат жасадга бино қўйма. Камолот орқасидан эргаш, мавжудот сифатида фақат ҳайвонлар эмас, балки барча жонсиз нарсалар сенга шерикдирлар. Сувдан ибрат ол. У оғирлик вазнига кўра ҳамиша пастликка мойилдир, аммо, муносиб фурсатда унинг иштиёқ олий даражага етиб, ҳавога айланади, буғ (қанот) чиқариб, ўзини анвойи райҳонлар, дарахтларда акс эттиради. Яъни пастликдан нажот топиб, олий даражага етиш учун ғайрат кўрсатади. Шу қиёсда сен ҳам пастлик билан чекланмай, шавқу иштиёқни ҳаракатга келтир. Бедил байтидан кўнглимда пайдо бўлган ҳислар ана шулардир. Мир Аҳмад Ханафий Сиддиқий". (Шавкат Шукуров, "Маърифатпарвар адибнинг бир табаррук дастхати ҳақида". "Бухоро мавжлари", 4-сон 2006 йил, 12-бет).

Аҳмад Дониш ўз замонасида илм ўрнини жаҳолат, адолат ўрнини зулм, саховат ўрнини бахиллик, ислом маърифати ўрнини мутаассиблик эгаллаганини кўриб, бу табаррук заминда илму адолатни, исломий маърифатни, саховатни қайта барпо қилиш учун қаттиқ курашадилар. Жамиятни, давлатни таназзулиятдан асрамоқчи бўладилар. Лекин Аҳмад Донишнинг овози тошга айланган қалбларга таъсир қилмади. Дарвоқе, ҳақиқий табибнинг кўрсатмаларига амал этмаган бемор ҳалокатга маҳкумдир. Бухоро амирлиги ҳалокатга учради...

Шариату тариқат билимдони, олими боамал, кароматли зот Аҳмад Дониш 1897 йил вафот қилдилар. Ҳазрат Донишни ўз гузарлари яқинидаги Пуштаи Беҳиштиёнда дафн қиладилар. Шўролар замонасида Аҳмад Дониш қабрлари ҳам йўқотилди:

*Тортди халқим донишсизлар жабрини,
Донишсизлар ютди инсон қадрини.
Зиёратга бораёй десам, қабри йўқ,
Донишсизлар ютган Дониш қабрини!*

Аҳмад Дониш ҳақларида С. Айний, А. Фитрат, И. Мўминов, Е.Э. Бертельс, С. Улуғзода, З. Ражабов, Р. Ҳодизода, О.М. Баҳовуддинов, И.А. Нажифова, Ҳ. Воҳидов, М. Хайруллаев, Ш. Шукуров ва бошқа олимлар, адиблар асар, рисола, илмий мақолалар чоп эттирган.

Аҳмад Донишнинг "Наводирул вақоеъ" асарлари 1964 йил академик Иброҳим Мўминов таҳрири остида Тошкентдаги "Фан" нашриётида чоп этилган. Уни ўзбек тилига А. Ҳамроев ва Шокировлар таржима қилган.

Бухоро шаҳрида Аҳмад Дониш номли кўча,

кутубхона, кино-театр бор.

Қуйида, азиз китобхон, сизнинг диққатингизга Аҳмад Дониш ҳикматларини ҳавола қиламиз:

- Одам яратилгандан сўнг унинг тугамас бахти илм ва маърифатда бўлади.

- Шунини билиш керакки, одам ўз виждони билан ўзини текшириб кўрса, у тўғри йўл топмаганми ёки адашганми, бадбахтми ёки бахтлими эканини била олади. Агар унинг яхшилиги голиб келса, у одам бахтлидир; агар унинг ёмонлиги ортиб кетса, ундай одам бахтсиздир.

- Мол-дунё уни танимаганлар учун ширин, таниганлар учун эсак аччиқдир.

- Кишини ақлли ёки ақлсизлигини аломати етарлидан ортиқча дунёга кўнгил қўйиш ёки қўймаслигидадир. Дунёга дўст бўлган дарвешни фақир демайдилар. Айни замонда Сулаймон пайғамбар шунча давлат ва салтанат билан фақир бўлган. Агар кишининг ақли Афлотун ақлига етган бўлса ҳам, агар дунёга берилган бўлса, ўзини охират азобидан қутқаролмас. Ақл ундай кишининг оёғида кишан бўлади...

- Афлотундан ўлар чоғи, дунёни қандай деб билдинг, деб сўраганда, у деди: "Дунёга ихтиёрсиз келдим ва яна ихтиёрсиз кетаётирман. Дунёдан шуни билдимки, ҳеч нарсани билмаган эканман!..."

- Ошиқ ва маъшуқнинг ҳар икковига ҳам риоя қилиш лозим бўлган одобларнинг бири шулдирки, ҳар қайсиси ўз дўстига қаноат қилиб, ҳар гулнинг булбули бўлавермасин. Маҳбубнинг биттадан ортиғи ошиқнинг дини ва дунёсига ҳалал етказди.

- Эй фарзанд! Агар касб ва ҳунарни шаръий йўл билан олиб бормасанглар, сизларни инсоният доирасидан чиқариб, ҳайвонот доирасига

яқинлаштиради.

- Сўфи Оллоёрниинг:

*Гарчи аҳволашон паришон аст,
Илмашон дастгири эшон аст.*

Байтини қуйидагича тушунмоқ лозим. Яъни, олимларнинг аҳволлари паришон бўлса ҳам, уларнинг илмлари охири уларни қўллайди. Бу сўзнинг маъноси олимлар ҳар йўлга юрсалар ҳам, ҳар қандай ишларни қилсалар ҳам, уларнинг илмлари у дунёда дўзахдан қутқаради, деган сўз эмас; бундай деб тушуниш янглишдир. Аслида бу байтнинг маъноси ҳақиқий олимлар юзаки кўринишларига эътибор қилмай, ботин учун ишлайдилар; улар фақирлик, тажридликни ихтиёр қилганликларидан, уларнинг кўриниш аҳволлари паришондир... Охиратда уларни илмлари қўллайди, ҳисоб-китоб азобидан қутқазиб энг олий даражага етказади; ёки уларни шайтон васваса қилиб, кўнгилларини топиоқчи бўлганда, илмлари уларга йўлбошчилик қилиб, Ҳақ йўлини топадилар, деганидир.

- Бир куни бир чумоли ўргимчакнинг тўрига тушиб қолибди. Уни эринмасдан, ўзига озор бермасдан ўргимчакнинг тўридан қутқардим.

Шу куни ўзим бир кишининг воситасида билан ҳалокатли ишдан қутилдим. Бир куни ғарқ бўлиб, оқиб кетаётган бир арини қутқардим. Шу куни унинг натижасини кўрдим.

- Мен доимо бир нарса устида фикр юритар эдим: агар банданинг нажот топишига шариатнинг зоҳирига амал қилишнинг ўзиёқ етарли бўлса, нега илгариги уламолар ортиқча нафл намоз, нафл рўзага киришиб, одамларни ҳам унга ташвиқ қилиб, кўп

китоблар ёзганлар? Агар диннинг ҳақиқати шуларнинг айтганича бўлса, нега бизнинг уламо ва машойихларимиз унга амал қилмайди? Демак бу гаплар қуруқ сўзлар, деб уйлар эдим. "Сатафтариқу" ҳадисини сабоқ қилиб ўқиганимдан сўнг бу масаланинг ҳақиқати менга маълум бўлди. Шунга амин бўлдимки, бутун умматлар орасида нажот топувчилар сўфийлар экан. Расулуллоҳ с.а.в. ва у кишининг саҳобалари таржимаи ҳолларини тадқиқ қилиб кўрсам, сўфийлик сулуклари уларга мувофиқ бўлиб чиқди. Шуни билдимки замонамизнинг уламо ва машойихлари тўғри йўлда эмас экан. Чунки мен уларнинг қилаётган ишларига қарар эдим. Шунда шайхларни алдамчи, уламоларни порахўр эканликларини кўрар эдим.

- Ҳолва ва майизни илм сотиб эмас, бошқачароқ касб билан ҳам тушлаш мумкин.

- Ҳар бир ҳунарманд ўз ҳунарини қилса-ю, лекин бундан мақсади халққа фойда етказиш бўлмаса, ундай ҳунардан барака топа олмайди (Аҳмад Дониш, "Наводирул вақоеъ", Т., Фан - 1964 йил).

ҲАЗРАТ АБДУРАҲИМ ҚУРРО ТОРОБИЙ (ваф. 1906 йил)

Ҳужжатул орифин, Қудватус соликин номлари билан машҳур бўлган Ҳазрат Абдураҳим Торобий илмни Ҳазрат Мир Жалолиддиндан ўрганган. Бу зоти шариф Бухоро шаҳридаги Кўкалдош мадрасасида Қуръон қироати ва ҳадиси шариф илмларидан ёшларга сабоқ берганлар. Ҳазрат Абдураҳим "Ҳужжатул воқифин", "Тухфаи хоний" ва бошқа китобларнинг муаллифи ҳисобланади. Бу зоти шариф хушхат хаттот

булиб, Қуръони карим ва Далоилул хайрот каби китобларни китобат қилиб тарқатган. Манбаларда зикр қилинишича, Ҳазрат Абдурахим 70 ёшга кириб, 1906 йил вафот қилганлар. Қабрлари Пуштаи Беҳиштиёндадир.

Пуштаи Беҳиштиёнда яна жуда кўп аллома, фақих, авлиёлар кўмилгандир. Уларнинг ҳаммасини Аллоҳ раҳмат этган бўлсин. ОМИН.

ЗИЁРАТ ОДОБИ

Ислом динимизда ҳар бир амалнинг ўз одоби бор. Жумладан, зиёратнинг ҳам ўз одоблари бордир. "Тарихи Муллозода", "Тухфат аз зоирин" китобларида зиёрат одоблари баён қилинган. Жумладан, Аҳмаджон Бобомуродовнинг "Ислом одоби ва маданияти" китобларида ҳам зиёрат одобига бағишланган боб киритилгандир.

"Тарихи Муллозода"да ёзилишича, зиёратчи таҳорат олиб, икки ракат намоз ўқиши, намознинг ҳар ракатида "Фотиҳа" сурасига бир мартадан "Ояталкурси"ни, уч мартадан "Ихлос"ни зам қилиши тавсия қилинган. Намоз савобини ўтганларни арвоҳига бағишлаб, сўнг зиёратчи йўлга чиқади. Йўлда камбағалларга садақалар бериш лозим.

Пайғамбаригмиз ўз ҳадисларидан бирида шундай деганлар: "Ман зора қабра абавайҳи ав аҳадаҳумо фи кулли жумъатин ғуфиро лаҳу ва кутиба бирран". Маъноси: "Кимки ҳар жума кунини ота-онасининг қабрини ёки агар улар тирик бўлса марҳум қариндошларининг қабрини зиёрат қилса, унинг барча гуноҳлари кечирилиб, яхшилар қаторидан ўрин берилади".

Лекин қабрлар атрофида айланмоқ, уларни тавоф қилмоқ мумкин эмас. Саҳоба Бурайданинг айтишича, пайғамбаримиз с.а.в. ғабристонларни зиёрат қилишга кираётганда шундай деганлар: "Ассалому алайкум аҳлад диёри минал мўминина вал муслимин инно ин шааллоҳу бикум лалоҳиқун насалуллоҳи лана ва лакум альёфията". Маъноси: "Эй мўминлар ва мусулмонлар, қабристон аҳиллари, сизларга салом бўлсин. Худо хоҳласа бизлар ҳам келиб сизларга қўшилурмиз. Ўзимизга ва сизга

Аллоҳдан офият ва тинчлик, саломатлик тилайман" ("Ислом одоби ва маданияти", Т., Чўлпон, 1995 йил, 141-бет).

Зиёратчи пайғамбар с.а.в. ҳадисларига мувофиқ қиблага юзланиб ўтириб, "Ёсин", ёҳуд "Мулк", ёки "Ихлос", ё биладиган сурасини ўқиб, савобини ўтганларнинг арвоҳига бағишлаши керак. Ҳар бир ҳожат, тилагини Аллоҳ таолодан сўраши лозим. Зеро ислом динида улуғларнинг қабрига сиғиниш, улардан мадад сўраш, дардга шифо, ёҳуд фарзанд сўраш мумкин эмас. Авлиёларга атаб жониворларни сўйиш ҳам нодурусдир. "Ислом динида мазорларга атаб ҳайвон сўйиш йўқдир" (Ҳадис).

Қабрларни босмоқ, ёҳуд уларнинг устида ўтирмоқни пайғамбаримиз манъ этганлар. "Қабрнинг устига ўтиргандан кўра чўғнинг устига ўтирганингиз ва чўғ кийимларингизни куйдириб, терингизгача етгани яхшироқдир", - дедилар Муҳаммад с.а.в. Одам олов чўғининг устига ўтирмайди. Чунки чўғ унинг кийими ва баданини куйдиришини билади. Қабрнинг устига ўтирмоқ эса чўғнинг устига ўтирмоқдан ҳам ёмонроқ, хавфлироқ экан.

Ҳазрат Баҳоуддин дейдиларки, авлиёлар қабрларини зиёрат қилувчига қуйидаги фазилатлар муяссар бўлғай: Зоир (зиёрат қилувчи) ўшал улуғ шахс сифатини мушоҳада этади, унга таважжух (юзланади) қилади, ва шу сифатга кира олади. Муқаддас қабрларни кўриб, зиёрат этишда таъсир бисёрдир. Бироқ муқаддас руҳларга узоқ масофадан туриб ҳам таважжух этишда ҳеч бир тўсиқ йўқдир. Чунки Муҳаммад с.а.в. деганларки: "Қаерда Турган бўлсангиз ҳам менга салават юбораверинг!" Мана шу ҳадис фикримизга ҳужжатдир".

Зиёратларимизни Аллоҳ ўз даргоҳига қабул этсин. Зиёратгоҳларимизни, юртимизни обод

қилаётганларни Аллоҳ икки дунёда саодатманд
қилсин. ОМИН!

*Юртни обод айлаган обод бўлажак,
Ғаму кулфат, фитнадин озод бўлажак.
Ўтмишини хор айлаган - хор бўлади,
Ўтмишини ёд айлаган шод бўлажак...*

ҲИКМАТЛАР

- Бир киши Расулуллоҳ с.а.в.дан сўради: "Аллоҳнинг валийлари ким?" Ул зот дедилар: "Кўрганингизда Аллоҳни ёдга соладиган кишилар (Аллоҳнинг валийлари дидир).

- Султонул Орифин Боязид Бастомий дедилар: "Мен ибодатхонага олиб борадиган йўлга асло тупурмасмен. Чунки ибодатхонага олиб борадиган йўл ҳам ибодатхона мақомидадур".

- Абдулҳолиқ Гиждувоний дедилар: "Эй фарзанд, илм бирлан бирга одобни ҳам ўрган. Зеро одобсиз одам Аллоҳ лутфидан маҳрумдир. Халқ билан асло низо-жанжал этма. Яхши хулқ, нек одоб ила умргузаронлик қил!

*Айбларни ёпгувчи саттор бўлгайсен,
Қалбларни топгувчи ғамхор бўлгайсен.
Аллоҳ ризолигин топай десанг, эй дўст!
Эл бирла адабда ҳушёр бўлгайсен".*

- Абдуллоҳ ибн Муборак дедилар: "Ҳар кимда адаб йўқдур, суннатдан маҳрум бўлур. Ҳар кимки суннатни тутмаса, фарзлардан маҳрум бўлур. Ҳар кимки фарзни бажармаса, маърифатдан ажралади. Ҳар кимки маърифатдан ажралса, тавҳиддан жудо бўлур. Ҳар кимки тавҳиддан жудо бўлди - кофир бўлади наузанбиллоҳ".

- Шайх Абдулқодир Желоний дедилар: "Дининг билан эмас, балки касбинг билан ризқ-рўзингни топ. Касб-ҳунар ўрганиб, уни бошқаларга ҳам ўргат.

- Хожа Ориф ар Ревгарий дедилар: "Авлиёлик аломати учтадир: Баланд даражага етганда ҳам камтар бўламоқ, қудрати ва тоқати етгунча парҳезкорлик қилмоқ, то кучи етгунча инсоф қилмоқ".

- Хожа Али ар Рометаний дедилар:

*Ул Аллоҳким тану жонни яратди,
Ҳар аъзони бир хизматга қаратди.
Тилда иллат кўрди-ю этди тутқун,
Оғиз-зиндон, тилни анга қаматди.*

- Баҳоуддин Нақшбанд дедилар: "Бизнинг тариқимиз шариатни маҳкам тутмоқ ва Расулуллоҳ, с.а.в. суннатларига тўлиқ амал этмоқдур".

- Сайид Мир Кулол дедилар: "Илм йўлига кирган, эй толиб, агар дуч келса, ҳатто оловдарёсидан кечиб ўт".

- Махдуми Аъзам дедилар: "Адолат мезони ҳақиқатдур. Унинг икки палласи шариат ва тариқатдур"

- Абу Бакр Ҳомид дедилар: "Авлиёликнинг боши ва охири луқмаи ҳалолдир".

- Абу Бакр Тархон дедилар: "Кимеки пайғамбарона одоб ва ахлоқ билан зийнатланди, ул одам Аллоҳнинг дўстига, яъни авлиёга айлангай".

Хожа Андоқий дедилар: "Кимеки Аллоҳнинг фарзларига амал бекаму кўст этди, яъни иймон калимасининг айтганидан сўнг қунида беш маҳал намоз, Рамазон ойида рўза тутди, агар бой-бадавлат бўлса моли закотини бериб, ҳаж арконларини бажарди ҳамда пайғамбаримиз с.а.в. суннатларига амал этди, ундай кишининг жойи жаннатда бўлгай, иншааллоҳ!"

Фақиҳ Абу Лайс ас Самарқандий дедилар: "Али бин Абу Толиб розийллоҳу анҳу деганларки, илм-кишининг дўсти, ақл - йўлбошчиси, ҳалимлик яъни мулойимлик - вазири, амал - қўмондони, сабр - қўшинининг амири, камтаринлик - отаси, яхшилик - акасидир. Сўнг ўғиллари Ҳасан р.а.га дедилар: "Эй

ўғлим, сен қаршингдаги одамни ўзингдан паст санама. Агар у сендан катта бўлса - отанг ҳисобла, агар тенгдошинг бўлса - ака деб бил, агар кичкина бўлса - ўғлинг деб бил!"

- Шайхлар демишларки, саккизта нарсага аҳамият бермаган киши ўзини маломат қилсин: чақирилмаган зиёфатга боровчи, уй эгасига буйруқ берувчи, душманларидан яхшилик истовчи, пасткашлардан фазилат талаб қилувчи, гаплашиб турган икки кишининг орасига кирувчи, подшоҳни менсимаган киши, ўзи муносиб бўлмаган мажлисда ўтирувчи, ўзига қулоқ солмаётган одамга гапирувчи.

- Шайхлар демишларки, кўп овқат ейишда бешта ёмонлик, иллат бор: Аллоҳдан қўрқувни кеткизади; тоат-ибодатни кишига оғирлаштиради; ҳикмат эшитса, ундан таъсирланмайди; агар у ҳикматли гапларни гапирса, унинг гапи одамлар қалбига таъсир қилмайди; танасида касаллик пайдо бўлади.

- Йохан Вольфган Гёте дедилар:

1.

**Нодон ҳар ҳодисани ўзича шарҳлашга шай,
Ҳар ҳодиса сабабин билгум деган авом-да!
Аллоҳга итоатдур ислом деган сўз асли
Исломда яшаб ҳамма ўлажакмиз исломда.**

2.

**Нафас олмоқ ҳамда чиқармоқ эрур,
Икки эҳсон, буни англамоқ зарур.
Бири сиқар, ўзгаси янги қувват,
Шулар сабаб ҳаёт гўзалдир ғоят.
Аллоҳга шукур де, нафас кирган он,
Шукур де, шафас чиқарган замон.**

(Немис тилидан С.С.Бухорий
таржимаси).

- Аҳмад Яссавий дедилар:

**Тариқатга шариатсиз кирганларни
Шайтон келиб имонини олур эрмиш.
Ушбу йўлни пирсиз даъво қилганларни
Сарсон бўлуб, аро йўлда қолур эрмиш.**

- Юнус Эмро дедилар:

**Ҳақдан йиғар ул сени, ниманг бўлса бер, кетар,
Нечун асрайсан танни қурт-қумурсқа ер, кетар.**

**Ўлганни кўр, кўзинг оч, тўкилар соқолу соч,
Илон-чаён келар оч, тортиб-талаб ер, кетар...**
(Файзи Шоҳисмоил таржимаси)

- Алишер Навоий дедилар: "Имом Фахриддин Розий - дунёдаги барча имомлар имоми, алломаи замон Хоразмга келдилар. Барча уламо-ю фузало Ҳазрат Розий зиёратларига ошиқди, лекин Муҳаммад Хоразмшоҳ келмади. Фахриддин Розий ҳам илмнинг қадру қимматини сақлаб, саройга бормадилар. Бир куни Имом Розий ҳаммомга тушди. Шоҳ ҳам ҳаммомга йўл олди. Салом-алеқдан кейин шоҳ деди: "Эй алломаи замон, қиёмат кунидан бизга хабар беринг!" Имом дедилар: "Қиёмат кунига монанд жой ҳаммомдир. Ҳаммомга шоҳу гадо яланғоч киргани каби, қиёматда ҳам шоҳу гадо қип-яланғоч бўлғай. Амалдорлар, бой-бадавлат кишилар худди сиз каби давлатини, хазинасини ташқарига қўйиб ичкарига киради. Уларнинг йиққанлари ташқарида қолғай. Илму ҳунар эгалари эса худди мен каби, нима йиққан бўлса, ўзи

билан олиб киради. Султонликдан у кунда сизга фойда йўқ, лекин менга илмим туфайли яхшилик ато қилингай..."

- Жалолиддин Румий дедилар: "Олам - бир кўпик. Авлиёлар билимлари - денгиз".

- Юсуф Ҳамадоний дедилар: "Ўз фаҳму заковатига ғурурланган "оқил"ларнинг энг ёмон бадбахтликларидан бири - Ҳақ йўлининг йўлчиси бўлган авлиёларга, яъни Аллоҳ дўстларига душманлик қилишлари ва Ҳақ лутфу эҳсон-неъматларини инкор этишларидир. Улар бу дин улуғларидан бўлган аҳдуллоҳнинг (яъни Аллоҳ дўстларининг) дунёдан йироқлиги ва халқнинг илтифотидан узоқлиги, фосиқларга ҳам меҳру шафқатли ва Ҳақ йўлида ҳалим ва сабрли эканликларини ўз кўзлари билан кўрадилар. Улардан Қуръон ва суннатнинг улуғвор маъноларини, сир-асрорини, саҳиҳ ҳукмларини ва очиқ -ошкор ҳақиқатларини қулоқлари билан эшитадилар. Ва ҳар куни уйғонгач, душманликлари тобора ортади. Кўнгил қулоқлари ҳам карлашиб бораверади. Бу залил, пасткаш малъунларни сифатлаб Ҳақ таоло бундай дейди: "Зеро, кўзлар кўр бўлмас, балки кўкракларидаги кўнгиллар кўр бўлур" ("Ҳаж" сураси, 46-оят)...

Улуғ авлиёга берилган илоҳий лутфини рад қилганлари учун бу лутф эшигини ўзларига ёпдилар. Авлиёнинг пок сифатларига ҳурмат назари билан қарамаганликлари ва уларнинг нозик сўзларини эҳтиром билан тингламаганликлари учун авлиёнинг гўзал ахлоқидан, ҳикматларидан ва юксак маъноларидан маҳрум қолдилар. Ҳақ таоло буюради: "Ёмон макр-ҳийла эса фақат ўз эгаларини ўраб ҳалок қилур" ("Фотир" сураси, 43-оят).

- Махтумқули дедилар:

**Махтумқули, сирим кўпдир,
Мен найлайин, очган йўқдир.
Ўлмоқ ҳақ, тирилмоқ ҳақдир,
Ўқидим Қуръон ичинда!..**

(Мирзо Кенжабек таржимаси).

- Абу Лайс Самарқандий дедилар: "Эй фарзанд, илм ўрган! Чунки у жамолинг бўлмаса сенга жамол, молинг бўлмаса сенга мол бўлгай!"

- Мансур бин Аммор дедилар: "Гуноҳларингдан Хурсанд бўлишинг гуноҳ қилишингдан оғир гуноҳдир".

- Абу Туроб Нахшабий дедилар: "Аллоҳ таоло ҳар бир замонда ўша замона аҳлининг муаммоларини замона уламолари тилига қўйиб гапиртиради".

- Юсуф ар Розий дедилар: "Яхшилик уйининг калити - камтарликдир; ёмонлик уйининг калити такаббурликдир".

- Абул Аббос ат Тусий дедилар: "Маърифат дарахти фикр булоғидан сув ичади; ғафлат дарахти жаҳолат чашмасидан сувичади; тавба дарахти надомат сувидан ичади; муҳаббат дарахти эса иттифоқлик, кузатув ва ҳурмату эҳтиром суви билан суғорилади".

- Боязид Бастомий дедилар: "Тўрт нарсада хато қилдим: Уни зикр этяпман, Уни биламан, Уни севаман, Уни талаб қияпман, деб ўйладим. Аслида мендан олдин У мени зикр қилган, мендан олдин У мени билган, севган ва талаб этган экан".

МУНДАРИЖА

Қайта бунёд этилган зиёратгоҳ.....	3
Зиёрат одоби.....	41
Ҳикматлар.....	44

Садриддин Салим БУХОРИЙ

ДАХМАИ БЕҲИШТИЁН

Муҳаррир:

Г. НАВРЎЗОВА

Тех. муҳаррир:

Г. САМИЕВА

Компьютер дастурчиси:

Ф. ГАСАНОВА

Операторлар:

З. БОБОЕВА

Ф. БОЛТАЕВА

Мусаввир:

Ш. БОЛТАЕВ

Теришга берилди 06.05.2007 йил. Босишга
рухсат этилди 31.05.2007 йил. Нашр сони 30. Босма
табоғи 3.25. Адади 2000. Буюртма № 685.

“Бухоро” нашриёти. Бухоро шаҳар, И. Мўмин
кўчаси, 27-уй.

“Ёқуб Довуд” босмахонасида чоп этилди.
Бухоро шаҳар, Ўзбекистон Мустақиллиги кўчаси, 27-
уй.